




Ўзбек тасвирий санъати ҳам ўзининг навоийномаси билан эл эътиборига тушган. Турли авлодга мансуб rassomlar gazal mulki sultonining 550 йиллик тўйига муносиб совғалар — янги-янги асарлар билан келдилар. Бу ижод намуналари Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг марказий залида куни кеча очилган юбилей кўргазмасида намойиш этилмоқда.

Ҳассос мўйқалам устаси, Ўзбекистон халқ rassomi Абдулқадір АБДУЛЛАЕВ Алишер Навоийни бутун буй-баста билан акс эттирган йирик асарини муборак тўйга тўхфа қилди. Суратда ана шу улкан асарнинг портрет қисмини кўриб турибсиз.



МЕН УАМЕНКИ, ТО ТУРК БЕДОДИДУР,
БУ ТИЛ БИРЛА ТО НАЗМ БУНЁДИДУР.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ БАЙРАМИ

Улуғ шоир, мутафаккир ва давлат арбоби
Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллик
тўйи тантаналарига марҳабо!

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири

АЛИШЕР

Жаҳонки муқаддас нени кўрибди,
Барига онасан, эй қодир ҳаёт.
Асрлар қаъридан боқиб турибди
Нурли бу юзларга кўроний бир зот.

Шу буюк ўзининг ардоқлаб дилда,
Халқим, таъзим этсанг арзғай тамом.
Унинг номи билан бирга битилган
Дунё дафтарига ўзбек деган ном.

Бойқаро яришлаб истак отида
Жаҳонга боқанда мисли бола шер,
Ҳирот дарвозасин бир қанотда
Шеърый лашкарини тизган Алишер.

Дунёда бирор ном қолдирмоқ учун
Юрт бузиш шарт эмас, деган гап-ку, рост.
Кимдир пеш қилганда нийзининг кучин,
Алишер қаламини кўрсатган холос.

Тун билан тонг эрур ташбеҳда удум,
Мисоли захру май, ҳажру шакар лаб,
Кимдир қўшдай эсласа мардум,
Кимдир зулматдай юрлар қарғаб.

Нидо тингла, бу кун, юртинг тарафдан,
Эй, йироқ Ҳиротда маскан топан эр!
Огоҳ бул, Алишер, сен ушбу гапдан:
Хар икки набранг — бири Алишер.

Байтинга бир бора қовушган ҳар лаб
Такрорлаб кетгуси Маҳшаргача то.
Қаратиб турмасан бу ён, не ажаб,
Миллард мартабали жаҳонни ҳатто.

Бировлар наздида жоҳил Осё
Фақат завол кўриб, кўрмаган қамол.
Мусо илтижоси етди-ю, гуё,
Ҳақ Тур тоғи узра кўргазди жамол —

Жаҳон меҳробида пайдо Алишер...
Шодон қасда ийт сен ҳам, эй Қўш.
Асрлар унга ҳам нима гап ахир,
Мангуликка додил завол билмас ёш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАЁСАТИДА

24 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди. Унда 1991 йилнинг 30 сентябрь куни чақирилган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши навбатдан ташқари еттинчи сессияда масалалари кўриб чиқилди.

Навбатдан ташқари сессиянинг ўтказилиши Ўзбекистон Республикасида СССР Олий Кенгаши палаталарига делегат қилиб юбориладиган номзодларни давлат олий ҳокимият органи тасдиқлаши зарурлиги билан боғлиқдир.

Шу билан бирга Раёсат республика мустақиллигини кучайтиришга қаратилган бир қанча янги қонун ҳужжатлари қабул қилинишини ташлаштириш мақсада мувофиқдир, деб ҳисоблади. Улардан бири «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонунга конституциявий мақом беришдир. Раёсат аъзолари, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг ҳусусида ҳам яқдил фикр билдирдилар ва тақдим этилган тегишли Қо-

нун лойиҳасини маъқулладилар.

Мажлисида ҳуқуқий мустақил давлатни барпо этиш, иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш учун ҳозирдаёқ анчагина ишлар қилиб қўйган республика халқ депутатлари фаолиятини янада кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Энди Олий Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясини қабул қилиш, мустақиллик йўлидан бундан кейинги ҳаракатларини қонун билан мустаҳкамлаш асосий иш бўлиши кераклиги таъкидланди. Шу қақриқ охирига қадар ўз ваколатларини сақлаб қоладиган Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари Раёсат сайловчилар билан алоқаларини мустаҳкамлашни улар берган нақазлар бажарилишига эришилиши ва Қонун лойиҳаларини тайёрлашда фаол қатнашини тақдир этилади. Шунингдек, баъзи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ
ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ Тўғрисида

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси 1991 йил 30 сентябрь куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИҶДОШЕВ.
Тошкент шаҳри,
1991 йил, 24 сентябрь.

1. Ўзбекистон Республикасида СССР Олий Кенгаши палаталарининг тарқибига делегат қилиб юбориладиган СССР халқ депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларининг номзодлари тўғрисида.
2. «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаси ҳақида.
3. «Ўзбекистон Республи-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118—14-моддаси 2, 4-бандларига ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳамда муҳофаза ва ҳудудий халқлик тадбирларини кучайтириш, давлат мустақиллиги ва суверенитетини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги иттифоқ-республика комитети тугатилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик бошқармаси тузилиб, у республика Президентига бўйсундирилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичда Ўзбекистон Миллий хавфсизлик бошқармаси тузилиши, Низоми ва сонига доир тақлифларини тайёрласин ва тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик бошқармаси биринчи навбатда разведка, контраразведка ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш билан шуғулланиши кераклиги белгилаб қўйилсин. Собiq давлат хавфсизлиги комитетининг юқорида санаб ўтилган вазифалар билан боғлиқ бўлмаган ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид барча турлима бўлиналари ва бўлимларини тугатиш кўзда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1991 йил 26 сентябрь.

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Ўзбекистон Жумҳуриятининг Жумҳураиси
Ислом Каримов жаноби олийларига,
бутун Ўзбекистон халқига
МУРОЖААТ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим!
Ассалому алайкум, муҳтарам юртдошлар!

Ўзбекистон Жумҳурияти миллодий 1991 йилнинг 31 августидан эътиборан мустақил жумҳурият деб эълон қилинган тўғрисидаги хушxabарни Америка ва Олмонияда, Афғонистон ва Хитойда, Покистон Туркияда, Саудия Арабистони ва Сурияда, Швейцария, Иордания ва бошқа ҳорижий мамлакатларда яшайдиган миллионлаб туркистонлик ўзбеклар ҳеч қачон Туркистон жамоидан узилмаган мусофир кўзларига тўлган севинч ёшлари ила қутиб олдилар. Собiq мустақилликнинг минглаб темир дарвозаларини қўриб ташлаган мураккаб сиёсий ва иқтисодий воқеалар тўғрисида пайдо бўлган миллий-озодлик ҳаракатлари

кавалларида Ўзбекистон Жумҳурияти ҳам эркинликка эришмоқда. Мустақилка тузуни жон талвасида турган бир пайтада Ўзбекистон Жумҳуриятининг Жумҳураиси Ислом Каримов жаноби олийлари тоят тадбиркорлик билан жумҳуриятнинг мустақиллигини эълон қилдиларини, ҳуррият йўлида ҳалок бўлиши мумкин бўлган минглаб ўғлонларимизни халқимизнинг иссиқ бағрида асраб қолдилар.

Аждодларимиз оруз қилиб етолмаган мустақиллик Бугун бизларга насиб қилган экан, қерда яшашимиздан қатъи назар, мустақилликнинг бундан бунинг тақдирини учун жавобгарлик масъулияти зиммаида турганини унутмайлик. Эрисавар миллатимизнинг тақдирини, авлодларимизнинг бахтини

[Давоми тўртинчи бетда].

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши навбатдан ташқари еттинчи сессиясини очилиши тўғрисида

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси 1991 йил 30 сентябрь куни соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Президентини аппаратининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Президентини аппаратининг кичини мажлислар залида бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ
ЎРТОҚ Ғ. АЛИЕВНИ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ
ХАВФСИЗЛИК
БОШҚАРМАСИ РАХБАРИ
ЭТИВ ТАЙИНЛАШ
ҲАҚИДА
Ғулوم Алиев Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик бошқармасининг раҳбари этиб тайинлансин.
Ўзбекистон Республикаси Президентини
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1991 йил 26 сентябрь.

ПАХТАМИЗ 1.000.000
ТОННАДАН ОШДИ

Ўзбекистон овози 1991

ОЛТИ ТИЛДА



Газал мулкнинг султони тўйига республикамиз илмий жамоатчилиги, хусусан, навонийшунослар муносиб совғаси билан келди...

«Муножот»нинг иккинчиси Ф. Гулом номидagi нашриёт — матбаа биришмаси босиб чиқарган.

«Муножот»дан парча: Илоҳи, сен ҳимматлилар ҳимматлиси ва мен — гуноҳкор.

Илоҳи, раҳимлилар раҳимлиси сен ва мен қора кунга қолган.

Илоҳи, дарди ҳолимни ҳар кимга айтсам рад қилси, сенга юзлангайман ва агар сен рад қилсанг нетгайман ва кимга кетгайман!

Илоҳи, сенинг йўлингда тупроқ йўлиқса тўтиқдир ва кесак етисса кимидир, сендан бошқа қизил олтин қора тупроқдек беқадр камбаҳодир.

Илоҳи, ёмонлигимдан гарчи қўп аламин бор, раҳмкорим сен бўлсанг не гапим бор.

Илоҳи, бойликка мойиллик ипларини кўнглимдан уз ва нафсоният қоронғилигида тўғрилиқ шаъми билан ўзинг сари йўл кўргуз.

Илоҳи, у узун йўл ва машаққатли водийда иноятинг билан йўлда ва уни босиб ўтишда оёғим тойилса, — мададинг билан қўлла.

Илоҳи, бу йўл сайрида шайтонни атрофимга йўлатма, агар у ёв ақиллашса, ибодатимдан не қолгай, иноятингичи кам қилма.

Илоҳи, гафлат уйқусиданман, бедор қил ва жаҳолат мастлигидаман, хушёр қил.

Илоҳи, агар ҳислатим эгридир, ниятим тўғридир. Бу жиҳатдан агар қўрқинчим бордир, аммо умидим бирга юзидир.

Ўзбек халқининг улғу мутафаккири Мир Алишер Навоий ўз ижоди билан қатор-қатор туркман шoirларига таъсир ўтказган бўлса, аазир, давлат арбоби сифатидаги ижтимоий-сиёсий фаолияти билан XV асрда туркман халқи ҳаётида юда катта ўрни тутди.

Тарихга мурожаат қилганда бўлса, туркман ва ўзбек халқлари турли даврларда, яхши-ёмон кунларда тақдирдош-у мақсаддош бўлиб яшаганининг гувоҳи бўламиз.

Ўзбек халқи маънавиятига Махтумқули шoirлар, пенд-насихатлари, Гўрўгли қаҳрамонликлари қанчалик сингир-туташиб кетган бўлса, туркман халқи ҳам Алишер Навоийдек устози борлигини шунчалик фохрланади, ғазалларини кўзга тўтибдай авайлаб-ардоқлайди.

Туркман муомтоз шеърятининг барча намояндалари Хива, Самарқанд, Бухоро, Марв, Машҳад мадрасаларида Бердиназар ХУДОИНАЗАРОВ,

Туркменистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Туркменистон халқ ёзувчиси.

САРБОНИМИЗ

таълим олар эканлар, Навоий асарларини севиб ўрганганлар, ижодидан илҳомланганлар. Озодий, Махтумқули, Шайдоий, Андалиб, Қамина, Мулла-нафас, Сеидийлар ижодида Навоийга бўлган эҳтиром тўлиб-тошиб туради, улғу устозга шoirликлари саломи самимий сатрларда ифодаланади:

Домангарда юрган устоз Навоий, «Чор девони», «Фарҳод-Ширин» — зебоий, Заҳридан Бобур, Мезону ойи — Қошларига борим мен Махтум бўлсам. (Махтумқулидан).

Низомий, Навоий, яна Фирдавсий, — Румининг гулшонию, хинди товуסי, Ёлғончи дундан ўтсам ҳам осий, Сизга кўп хурматлар кўйгандир кўнглим. (Мулла-нафасдан).

Туркман халқи ўзининг доно фарзанди — Давлатмамат Озодий билан ҳақли равишда фохрланади. Озодийнинг «Ваъз Озод», «Беҳиштона», «Хиноя Жобир ансор», «Муножот» асарлари халқимизнинг меҳр кўйган дурдоналари ҳисобланади. Ғоят улкан таълимий-дидактик хусусиятга эга бўлган «Ваъзлар»да шoir подшоҳлик услуб-қонунилар, деҳқон меҳнати, ота-она ва фарзандлар муносабати, поклик, инсонийлик ҳақида маърифий-тарбиявий фикрларини баён қилади:

Озодур йўл ақли раҳбарис ўлса, Тарихишур лашкарни сардорис ўлса. Гавад пош бўлди агар бош бўлмаса, Битмас иш ҳақ лутфи йўлдош бўлмаса.

Ҳар кишиким ўт ёқар — ўзи пишар, Қазса ҳар ким чоҳ, анга ўзи тушар. Ёйриқчи қоплон бил анн шен, эй, факир, Халқ аро гар зулм этса шоҳу амир...

Туркман халқи ўзининг доно фарзанди — Давлатмамат Озодий билан ҳақли равишда фохрланади. Озодийнинг «Ваъз Озод», «Беҳиштона», «Хиноя Жобир ансор», «Муножот» асарлари халқимизнинг меҳр кўйган дурдоналари ҳисобланади.

боғлайди ёки ундан илҳомланиб назира битади. Утган беш аср мобайнида ўнлаб туркман шoirлари устоз Навоий ижодидан баҳраманд бўлиб, илҳомланиб, ўз миннатдорлигини, ҳайратларини муҳаммас боғлаш, назира битиш орқали адо қилганлар.

Андалиб-о, нола айлаб беғам эт кўнглинг ўйим.

Жоми саҳбодур денгиз, кўр, байрам эт кўнглинг ўйим.

Етмасин осибе ҳаргиз, маҳкам эт кўнглинг ўйим.

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглинг ўйим.

Не учуким, бода кирган уйга қайғу келмади. Навоийга нисбатан туркман халқининг меҳр-муҳаббати, ҳурматини фақат шулар билангина чеклаб бўлмайди. Туркман бахшилари кўшиқ-куйларидан бирининг номи ҳам «Навоий йўли» деб аталади. Туркман дурдонаи «Навоий пардаси» деб атаганидан парда ҳам бор. Туркман халқ озаки ижодида Мирали (Алишер Навоий) ва Султон Суюн (Хусайн Бойқаро) шахсларига оид қанчадан-қанча эртак-ривоятлар, латифалар бор!

Тўй кунларида, унча ўринли бўлмаса-да, бирикки оғиз гинали гапларни ҳам айтаб ўтай. Туркменистонда сўнги марта Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунларини ўтказганимизга ҳам 25 йил бўлибди. Бу орада адабиётларимизда, санъати-мизда қанчадан-қанча янги номлар полади, янги авлодлар шаклланди. Қодирий ва Дерявининг устоз-шoirликлари, Фафур Гулом, Ойбек ва Берди оғаларнинг дўстликлари, маслакдошлик аъёнларини янги авлодларимиз унутиб қўймаётимики! Мир-темир, Шайх оғалар туркман диёри ҳақида, Қора Сейталиев, Керим Курбонафасовлар ўзбек дўгонларига ҳақиқат ўли мисралар битган эдилар — бугунги ёшларимиз дўстлик туйғуларини мана шундай йўлда ҳам ифодалаш мумкинлигини билдилармики! Ўзбек тўйлари туркман бахшиларисиз, Махтумқули шеърларисиз ўтмаган, туркман диёри Қомилжон Отаниёзовнинг таширларини бир умр унутмай келаётми — кейинги йилларда санъат ва соҳахондаги алоқаларимиз ҳам су-сайиб қолмадики! Бу саволлар мендай бир оқсоқол адибни жуфта ташвишлантиради.

Ҳайрият, ҳаётимиздаги вақтинчалик қийинчиликларга қарамасдан, жумҳуриятимиз раҳбарларини келгусида амалга ошириладиган адабий, маданий, иқтисодий тадбирлар ҳақида шартномалар тузайдилар. Бу ҳодиса — келажакда адабиётларимиз, санъатимиз алоқалари барқарорлашувиغا, мустақам-ланишига умид уяғоти. Умид — келажакнинг дурбинин, ахир.

Утган йилги бир воқеани айтаиб берай. Махтумқулихонлик кунлари эди. Бир гуруҳ ёзувчи-шoirлар, меҳмонлар Кўптедони ошиб, Эроннинг Ма-зондарон вилоятига ўтидик ва Туркменсаҳро ху-дудинда мангу манзил тутган ота-бона шoirлар — Озодий ва Махтумқули қабрларини зиёрат этиб келдик. Урашув ва мушоира, сайилларда одам қайнаб ётарди. Ўзбекистондан келган меҳмонимиз шoir Музаффар Аҳмадга сўз берилди.

Маълул бўлишича, Музаффаржоннинг бобоси Аҳмад бахши номи билан машҳур бўлиб, у ёш-лигида машҳур туркман бахшиси Суяв бахшидан таълим олган экан. Энди бир қайғули тасодифи қаранг: Аҳмад бахши бечора 1936 йил қатағонга учраб, қамалганда, унга «Махтумқулининг асарларини халқ ўртасида тартиб қилди», деган айб тақалган экан...

Бизнинг қадимий дўстлигимиз томирларимизда ҳамон барҳаёт. Навоий оруз қилган, кўйлаган биродарлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат каби таъсиқ туйғулар халқларимиз кўнгли тубида бе-баҳо гавҳардай жилваланиб турибди!

Сўзим сўнгида кўзу қошдай ўзбек дўгонларини Навоийнинг кутлуғ тўйи билан, Мустақил-лик кўвончи билан табриқлар-эканман, дўстлиги-мизнинг яна ривожланишига, адабий-маданий алоқаларимиз мустақамлашверишига ишонч билди-риб қолсам. Ахир, Ҳазрат айтимилар: ...Ер ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлик иш!

Алишер НАВОИЙ
Ҳ И К М А Т Л А Р
Агар қилмади эл ҳимоят санга,
Ўзингдан керакдир шикоят санга.

